

Моя профессиональная
карьера



ISSN

INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER

ISSN
2782-4365

Проверить
номер:



Научно-образовательный электронный журнал

ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ

Выпуск №55-3
(октябрь, 2024)



Свидетельство
о регистрации СМИ
№ЭЛ ФС 77-77927
от 19.02.2020 г.



РОСКОМНАДЗОР

Периодичность выпуска: 1 раз в неделю
Сайт: mpcareer.ru/oinv21veke. Почта: obrmpcareer@mail.ru



Международный научно-образовательный
электронный журнал
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ»

ISSN 2782-4365

УДК 37

ББК 94

**Международный научно-образовательный электронный журнал
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №55-3 (октябрь, 2024).
Дата выхода в свет: 21.10.2024.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Миссия научно-образовательного электронного журнала «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает работников сферы образования (воспитателей, педагогов, учителей, руководителей кружков) и школьников, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Пестерев С.В. – гл. редактор, отв. за выпуск

Артикова Мухайохон Ботиралиевна	доктор педагогических наук, доцент
Ахмедов Ботиржон Равшанович	доктор философии в филолог. науках (PhD), доцент
Батурин Сергей Петрович	кандидат исторических наук, доцент
Бекжанова Айнура Мархабаевна	доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент
Бекжанова Гулнара Маркабаевна	кандидат медицинских наук, преподаватель
Боброва Людмила Владимировна	кандидат технических наук, доцент
Богданова Татьяна Владимировна	кандидат филологических наук, доцент
Ботиров Аминжон Розимбоевич	кандидат биологических наук, доцент
Демьянова Людмила Михайловна	кандидат медицинских наук, доцент
Еремеева Людмила Эмировна	кандидат технических наук, доцент
Жуманова Фатима Ураловна	кандидат педагогических наук, доцент
Засядько Константин Иванович	доктор медицинских наук, профессор
Исломова Саидахон Тургуновна	доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент
Колесников Олег Михайлович	кандидат физико-математических наук, доцент
Коробейникова Екатерина Викторовна	кандидат экономических наук, доцент
Ланцева Татьяна Георгиевна	кандидат экономических наук, доцент
Мухамедова Лола Джураевна	доктор философии по филологическим наукам (PhD)
Нарзикулова Фируза Ботировна	доктор психологических наук
Нобель Артем Робертович	кандидат юридических наук, доцент
Ноздрина Наталья Александровна	кандидат педагогических наук, доцент
Нуржанов Сабит Узакбаевич	доктор историч. наук (dsc), старший научный сотрудник
Павлов Евгений Владимирович	кандидат исторических наук, доцент
Петрова Юлия Валентиновна	кандидат биологических наук, доцент
Попов Сергей Викторович	доктор юридических наук, профессор
Расулходжаева Мадина Ахмаджоновна	доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент
Рахматова Фотима Ганиевна	доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент
Рахмонов Азизхон Боситхонови	доктор педагогических наук, доцент
Таспанова Айзада Кенжебаевна	доктор философии (PhD) по экономическим наукам
Таспанова Жыгагул Кенжебаевна	доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент
Табашникова Ольга Львовна	кандидат экономических наук, доцент
Тўрабоева Мадинахон Рахмонжон кизи	кандидат педагогических наук, доцент

Тюрин Александр Николаевич	кандидат географических наук, доцент
Уразова Лариса Карамовна	кандидат исторических наук, доцент
Усубалиева Айнура Абдыжапаровна	кандидат социологических наук, доцент
Утегенова Жамила Джолмурзаевна	доктор философии по эконом. наукам, доцент
Фаттахова Ольга Михайловна	кандидат технических наук, доцент
Хожиев Шохрух Тошпулатович	доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент
Худайкулов Хол Джумаевич	доктор педагогических наук, профессор
Худойбердиева Хурият Каримбердиевна	доктор философии (PhD) в социальной философии
Ширинов Отабек Тувалович	доктор психологических наук (PhD)
Эшназаров Журакул	кандидат педагогических наук, профессор
Эшназарова Фарида Журакуловна	доктор философии по философии (PhD)
Юнусова Бахора Ахтамжоновна	кандидат филологических наук, ассистент
Яхяева Сожида Абдурахимовна	доктор философии (PhD) в социальной философии

Атаева Рануша Рашидовна	
АСИММЕТРИЧНЫЕ СЛОВООБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ГНЕЗДА С РАЗНЫМ СОСТАВОМ ПРОИЗВОДНЫХ ПОДГНЕЗД Атаева Рануша Рашидовна	121
ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИДА ЎЗЛАШТИРИШ УСУЛИ ҲАҚИДА Ҳашимова Сабоҳат Абдуллаевна	136
ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИ ОТ СЎЗ ТУРКУМИГА ОИД СЎЗЛАРДА КОНВЕРСИЯ Ҳашимова Сабоҳат Абдуллаевна	144
ВОЕННАЯ СИСТЕМА ПЕРИОДА ФЕОДАЛЬНОГО СТРОЯ В ДРЕВНЕМ КИТАЕ Насирова Саодат Абдуллаевна	158
ВОЕННАЯ СИСТЕМА РАБОВЛАДЕЛЬЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА ДРЕВНЕГО КИТАЯ Насирова Саодат Абдуллаевна	172
РОЛЬ УЧЕБНЫХ ТЕКСТОВ В РАЗВИТИИ ПОЗНАВАТЕЛЬНЫХ НАВЫКОВ КУРСАНТОВ Менглиева Сунбула Савранбековна	181
ROLE OF INNOVATIVE METHODS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES Mengliyeva Sunbula Savranbekovna	190
РАЗВИТИЕ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ИНСТИТУТОВ ВХОДЯЩИХ В СИСТЕМУ ОРГАНОВ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ КИТАЯ: АНАЛИЗ ПЕРЕДОВОГО ОПЫТА ПО ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ КОРРУПЦИИ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ СЛУЖБЫ Девяткин Александр Валерьевич	197
ПЕРСПЕКТИВНЫЕ РЕФОРМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ КИТАЯ: ИСТОРИЧЕСКИЙ И СОВРЕМЕННЫЙ АНАЛИЗ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ СФЕРЫ Девяткин Александр Валерьевич	208
ПЕРЕДОВОЙ ОПЫТ СТАНОВЛЕНИЯ И РЕГУЛИРОВАНИЯ КОНСТИТУЦИИ КИТАЙСКОЙ НАРОДНОЙ РЕСПУБЛИКИ: ИСТОРИЧЕСКИЙ И СОВРЕМЕННЫЙ АНАЛИЗ Девяткин Александр Валерьевич	215
СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ПРИОРИТЕТЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ КИТАЯ: АНАЛИЗ ТЕКУЩИХ ТЕНДЕНЦИЙ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ Девяткин Александр Валерьевич	226
ОСОБЕННОСТИ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОЙ СИСТЕМЫ ВОЕННОГО РУКОВОДСТВА	239

ФИО автора: *Хашимова Сабохат Абдуллаевна* ф.ф.д., проф.

Название публикации: «ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИ ОТ СЎЗ ТУРКУМИГА ОИД СЎЗЛАРДА КОНВЕРСИЯ»

Аннотация: мазкур мақола ҳозирги хитой тилида конверсия ёрдамида ҳосил бўладиган лексик бирликларнинг парадигмасига бағишланган, бунда сўзларнинг асоси сифатида от туркумига оид сўзлар хизмат қилади. Тилшуносликда конверсия транспозициянинг кўринишидан биридир. Агар транспозиция лексик-морфологик ўзгариш билан боғлиқ бўлса ва бунинг натижасида олдин лексик бирликка хос бўлмаган сўз ўзгариш парадигмаси вужудга келса, бошқа синтактик белгилар намоён бўлса - бу ҳилдаги транспозиция морфологик транспозиция ёки конверсия деб аталади. Конверсия турли хил дунё тилларида кенг тарқалган, бунда мазкур ҳодиса а) қайси сўз туркумларини ўзаро боғлаши ва деривацияни қайси турига таяниши, б) конверсия натижасида қандай морфологик парадигмалар ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлади. Конверсия натижасида ҳосил бўлган сўзлар ўхшаш негизларга эга, аммо шакллари билан фарқ қилади. Турли тилларда конверсиянинг семантик моделлари тўғрисидаги савол ҳали етарлича ўрганилмаган. Ушбу мақолада ҳозирги хитой тили от сўз туркумига оид сўзларда конверсия ҳодисасининг қуйидаги шакллари мавжудлиги аниқланди, булар: [от→ҳисоб сўз], [от→сифат], [от→равиш], [от→феъл], [от→сифат→феъл→равиш]. Ҳозирги хитой тилида конверсиянинг субстантивация кўринишидан ташқари адвербализация, вербализация ва адъективизация кўринишлари ҳам кенг тарқалган. Конверсияни кенг тарқалган ҳодисалардан бири бўлишига қарамасдан, мазкур ҳодиса хитой тили грамматикасига, сўз ясалишига оид бўлган куплаб ўқув дарслик, қўлланма ва илмий асарларда тилга олинганлигига қарамасдан мазкур ҳодиса алоҳида ракурс сифатида кўриб чиқилмаган. Изланишларимиз натижасида айтиш мумкин-ки, конверсия ҳозирги хитой тили лексикасини бойишига хизмат қилади ва алоҳида тадқиқ қилиниши лозим бўлган мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади.

Калит сўзлар: конверсия, субстанциация, аффикс, инфикс, перфикс, интерфикс, адвербализация, вербализация, адъективация, транспозиция.

Конверсия – сўз яшашнинг тури бўлиб, бунда сўз ясовчи восита бўлиб сўз парадигмаси хизмат қилади. Сўз ясалишида конверсия бу – махсус сўз яшаш аффиксларсиз сўз яшаш усулидир; транспозицияни бир тури бўлиб, бир сўз туркумига оид бўлган сўз бошқа сўз туркумига ўтиши тушунилади, бунда сўз шакли ўзгармайди. Масалан, немис тилидаги “leben” “яшамок” ва “das Leben” “ҳаёт”, инглиз тилидаги “salt” “туз” ва “to salt” “тузламок” каби сўзлар шулар жумласидандир. Конверсия аффиксиз сўз ясалиши сифатида аффиксацияга карама-карши қўйилади. Конверсияда сўз ясалиш воситаси сифатида морфологик парадигма иштирок этади. Сўзнинг янги синтактик функцияда иштирок этиши уни нафақат тегишли синтактик позицияда қўлланиши билан, балки тегишли сўз туркумига оид бўлган сўзларга хос функцияларни, янги морфологик кўрсаткични қабул қила олиши билан ҳам бирга ифодаланади. Шу сабабдан ҳам конверсия сўз ясалишнинг морфологик-синтактик усули сифатида ҳам намоён этади.

Баъзи асарларда олимлар томонидан “конверсия натижасида тегишли омоним шакллари ҳосил қилади” деб берилади, чунки сўз асоси турли хил сўз туркумларига оид бўлади, масалан, инглиз тилидаги “round” сўзини кўриб чиқсак: “round the table” “стол атрофида” сўз бирикмасида “round” кўмакчи вазифасида, “a round table” “юмалоқ стол” сўз бирикмасида сифат вазифасида, “a round” “раунд” от бўлиб, “to round with” “қуршаб олмоқ” сўз бирикмасида “round” феъл вазифасида қўлланади. Аслида бунда омонимия ҳосил бўлмайди, чунки тегишли бирликлар семантик жиҳатдан ўхшаш ва бир-бири билан фақат илдиз асоси билан боғланган [9, 235].

Конверсия турли хил дунё тилларида кенг тарқалган, бунда мазкур ҳодиса а) қайси сўз туркумларини ўзаро боғлаши ва деривацияни қайси турига таяниши, б) конверсия натижасида қандай морфологик парадигмалар ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлади. Конверсия натижасида ҳосил бўлган сўзлар ўхшаш негизларга

эга, аммо шакллари билан фарқ қилади. Турли тилларда конверсиянинг семантик моделлари тўғрисидаги савол хали етарлича ўрганилмаган.

Конверсия (лот. “conversion”– “айланиш”, “ўзгариш”) сўздан олинган бўлиб, сўзнинг фонетик ва морфологик жихатдан ўзгармай, бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтиши, шу йўл билан янги сўз ҳосил бўлиши тушунилади [8, 51]. Н.Коротков бундай сўзларни поливалентли деб атайди [3, 301]. В.Солнцев бундай бирликларни битта сўз эмас, балки иккита сўз – омонимлар [1, 75] деб ҳисоблашни таклиф қилди. В.Горелов сўзнинг турли позицияларда қўлланишини транспозиция деб атайди [6, 90]. Е.Кубрякова сўз ясовчи характерга эга бўлган транспозицияни конверсия деб атайди: “Конверсия негизнинг морфологик транспозицияси сифатида, бинобарин, бошланғич бирлик парадигмасининг тўлиқ ўзгариш жараёни ёки ундаги морфологик атрофнинг тўлиқ ўзгариши натижаси сифатида белгиланиши мумкин” [4, 75]. В.Гакнинг француз тили, М.Степанованинг немис тили, А.Уфимцеванинг инглиз тили материаллари асосидаги ишларида семантик моделларни ажратишга уринишлар қилинган.

Конверсия тилнинг ифода этиш усуллари кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга: “Ўз тоифалари доирасида чегараланиб, белгилар нутқнинг кўп сонли эҳтиёжларини қондириш учун анча чекланган восита манбаи бўлиб хизмат қилар эди. Аммо тоифалараро алмашилишлар туфайли фикр эркин бўлади, ифода эса бойитилади ва турли тусларга эга бўлади” [4, 75].

В.И.Горелов бўйича “агар транспозиция лексик-морфологик ўзгариш билан боғлиқ бўлса ва бунинг натижасида олдин лексик бирликка хос бўлмаган сўз ўзгариш парадигмаси ҳосил бўлса, шу билан бирга бошқа хил синтактик белгилар намоён бўлса, бу хилдаги транспозиция морфологик транспозиция деб аталади” [1, 96]. Морфологик транспозиция кўпинча “конверсия” (“конверсион транспозиция”) деб номланиб, сўз ясалишнинг бу усулида сўз ўзгариш парадигмаси махсус деривацион морфема, яъни махсус тузилмавий компонентсиз амалга ошади. Бунда янги сўзнинг ҳосил бўлиши тегишли сўз асосининг сўз ўзгаришнинг бошқа парадигмасига ўтиши билан ҳосил бўлади.

Шу сабабдан ҳам конверсия морфологик транспозиция жараёни сифатида таърифланади.

Бироқ хитой тилида сўзнинг шакл ясалиши бошқа тилларга қараганда сустривожланганлигини инобатга олган ҳолда конверсия бир-бирига боғлиқ сўз ўзгариш парадигмасини ҳосил қилмайди. Бунда уларга фақат сўзнинг бир-икки шакли, яъни парадигманинг фрагментлари хос бўлади. Бунда “парадигма” деганда “тил бирликлари, грамматик шаклларнинг умумий маъносига кўра бирлашуви, хусусий маъносига кўра фарқланувчи тизими” тушунилади. Парадигма натижасида парагадикматик муносабат (бир парадигмага бирлашувчи тил бирликларнинг ўзаро муносабати) натижасида парадигматик қатор (маълум умумийлик хусусияти асосида бирлашиб, айрим фарқли хусусияти билан қарама-қарши турадиган ва нутқий алоқа талабларига кўра бири-иккинчиси билан алмашина оладиган бирликлар ёки унсурлардан ташкил топаган қатор) ҳосил бўлади [8, 83]

В.М.Солнцев “Конверсияни сўз ясалиш усули ҳақида гапирганда тегишли сўз жуфтликларини аниқ ифодаланган шакл тизимларига ва формал синтетик белгиларга эга бўлишлари керак” [5, 75] деб таъкидлайди. “Шу сабабдан ҳам сўз ясалиш хусусиятига эга бўлган морфологик транспозиция хитой тилида уни намоён бўлиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда худди яримаффиксация каби яримконверсия деб аташ ҳам мумкин” [1, 96].

Ҳозирги хитой тилида конверсион алоқада мавжуд бўлган лексик бирликлар бир хил бўлган товуш ва график шаклга эга бўлади, бироқ сўз шакли ҳар хил бўлиб, функционал хусусиятлари ҳам фарқланади.

Ҳозирги хитой тилида лексик омонимларнинг махсус тури сифатида конверсион омонимлар келтирилади, бунда мазкур термин сифатида бир хил негизга эга бўлган лексик бирликларнинг конверсия натижасида пайдо бўлиши тушунилади [10, 83]

Бошқа тиллардаги каби хитой тилида ҳам конверсиянинг семантик моделларини ажратиш мумкин. “Семантик моделлар – бу моделларнинг шундай кенг (концептуал) маъноларики, улар конкрет лексик бирликларнинг

шаклланишини олдиндан белгилайди ва сўзларнинг тоифали семантикасидан келиб чиқади” [7, 125].

Конверсион омонимлар – махсус омонимлар тури ҳисобланади. Конверсия натижасида ҳосил бўлган омонимлар маъно жихатидан бир-бирига боғлиқ бўлади, ваҳоланки омонимлар учун семантик алоқани умуман мавжуд бўлмаслиги хос. Шу сабабдан ҳам айтиш мумкинки, омонимия – бу синхрон тарзда битти товуш комплекси тизимида маъноси ҳар хил бўлган бир нечта сўзларнинг мос келиши тушунилса, конверсия эса диахроник жараён натижасида бир-бирига маъно жихатидан яқин бўлган сўзларнинг товуш жихатидан мос келиши тушунилади.

Ҳозирги хитой тилида от туркумига оид оид сўзлар орасида конверсия ҳодисаси кенг тарқалган ҳодисалардан бири бўлиб, мазкур сўз туркумига оид сўзлар орасида конверсиянинг вербализация, адъективация ва адвербализация кўринишлари мавжуд, бундан ташқари ҳозирги хитой тилида от сўз туркумига оид сўзлар ҳисоб сўзлар ўрнида ҳам қўлланади. Бунда ҳосил бўлган сўзлар конверсиянинг анъанавий турига таянган ҳолда ясалади [10, 91]. Ҳозирги хитой тилида от сўз туркумига оид сўзларнинг феъл сифатида қўлланишига оид мисоллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

	[от	→	феъл]
病 “bing”	“касаллик”		“касал бўлмоқ”
比喻 “biyu”	“метафора”		“солиштирмоқ”
餐 “can”	“овқат”, “емак”		“емоқ”, “тановул қилмоқ”
导演 “daoyan”	“режиссёр”		“режиссёрлик қилмоқ”
感受 “ganshou”	“ҳиссиёт”, “туйғу”		“ҳис қилмоқ”
关系 “guanxi”	“алоқа”		“алоқадор бўлмоқ”
规划 “guihua”	“режа”, “проект”		“режалаштирмоқ”
害 “hai”	“зарар”		“зарар қўрмоқ”

建筑 “jianzhu”	“бино”, “иншоот”, “курилиш”	“курмоқ”
奖 “jiang”	“соврин”	“тақдирламоқ”
交际 “jiaoji”	“мулоқот”, “коммуникация”	“мулоқот ўрнатмоқ”
借口 “jiekou”	“баҳона”	“баҳона қилмоқ”
决心 “juexin”	“қатъиятлик”	“қарор қилмоқ”
梦想 “mengxiang”	“орзу”	“орзу қилмоқ”
命令 “mingling”	“буйруқ”	“буюрмоқ”
区别 “qubie”	“фарқ”	“фарқламоқ”
吻 “wen”	“ўпич”	“ўпмоқ”
笑话 “xiaohua”	“ҳазил”	“ҳазиллашмоқ”
习惯 “xiguan”	“одат”	“одатланмоқ”
移民 “yiming”	“иммигрант”, “ажнабий”	“жойлашиб олмоқ”
意识 “yishi”	“онг”	“англамоқ”
指示 “zhishi”	“йўриқ”, “йўл-йўриқ”	“йўл кўрсатмоқ”, “ишора қилмоқ”
组 “zu”	“тузум”	“тузмоқ”

ва бошқалар.

Адабиётларда келтирилган мисолларни кўриб чиқсак:

习惯 “xiguan” “одат” сўзи мисолида:

已经过三个月了，但我对中餐还没习惯 [11, 35]。

“Yijing guo sange yue le, dan wo dui zhongcan hai mei xiguan”

“Аллақачон уч ой ўтди, лекин мен ҳали ҳам хитой таомларига кўника олмадим.”

Мазкур гапда от сўз туркумига оид бўлган 习惯 “xiguan” “одат” сўзи феъл сифатида қўлланиб, “кўникмоқ” деб таржима қилинади.

早起是一个很好的习惯。

“Zaoqi shi yige haode xiguan.”

Эрталаб вақтли уйғониш яхши одат.”

Ушбу гапда эса习惯 “xiguan” “одат” сўзи ўзининг бирламчи, яъни от вазифасида қўлланилган.

关系 “guanxi” “муносабат”, “алоқа” сўзи мисолида:

这件事关系着全局工作 [11, 36]。

“Zhe jian shi guanxizhe quanju gongzuo.”

“Бу ходисанинг бутун ишга алоқаси бор.”

Мазкур гапда от сўз туркумига оид бўлган 关系 “guanxi” “муносабат”, “алоқа” сўзи феъл сифатида қўлланиб, “алоқаси мавжуд” деб таржима қилинади. Бунда мазкур феъл хатти-харакатни ҳозирги вақтда ҳам давом этаётганлиги ифодаловчи 着 “zhe” суффикси билан қўлланилган.

他们之间的关系不一般。

“Tamen zhijiande guanxi yiban.”

“Улар орасидаги муносабат унчалик ҳам яхши эмас.”

Ушбу гапда эса关系 “guanxi” “муносабат” сўзи ўзининг бирламчи, яъни от вазифасида қўлланилган.

规划 “guihua” “режа” сўзи мисолида:

毕业以后你会怎样规划你的人生？

“Biye yihou ni hui zenyang guihua nide rensheng?”

“Ўқишдан кейин ҳаётингни қандай режалаштиряпсан?”

Мазкур гапда от сўз туркумига оид бўлган 规划 “guihua” “режа” сўзи феъл сифатида қўлланиб, “режалаштирмоқ” деб таржима қилинади.

Ушбу гапда эса规划 “guihua” “режа” сўзи ўзининг бирламчи, яъни от вазифасида қўлланилган.

对我来说，这个规划不怎么样 [12, 101]。

“Dui wo lai shuo, zhege guihua bu zenmeyang.”

“Менинг фикримча бу режа унчалик яхши эмас.”

Ҳозирги хитой тилида бу каби мисоллар, яъни от сўз туркумига оид сўзларнинг конверсиянинг вербализация кўриниши кенг тарқалган ҳодисалардан биридир [10, 82].

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳозирги хитой тилида от сўз туркумига оид сўзлар сифат вазифасида ҳам қўлланади. Масалан:

	[от	→	сифат]
典型 “dianxing”	“намуна”		“намунавий”
烦恼 “fannao”	“беҳаловатсизлик”		“беҳаловат”
高度 “gaodu”	“тепалик”, “баландлик”		“баланд”, “юқори”
规矩 “guiju”	“норма”, “қоида”		“қонуний”
规则 “guize”	“қонун”		“қонуний”
健康 “jiankang”	“соғлик”		“соғлом”
民主 “minzhu”	“демократия”		“демократик”
光彩 “nur”	“нур”		“нурли”
自由 “ziyou”	“эрк”		“эркин”, “мустақил”

ва бошқалар.

Адабиётларда келтирилган мисолларни кўриб чиқсак:

健康 “jiankang” “соғлик” сўзи мисолида:

我去年见他的时候，他还很健康呢。

“Wo qunian jian ta de shihou, ta hai hen jiankang.”

“Мен ўтган йили уни кўрганимда у ҳали анча соғлом эди.”

Мазкур гапда от сўз туркумига оид бўлган健康 “jiankang” “соғлик” сўзи сифат сифатида қўлланиб, “соғлом” деб таржима қилинади.

健康胜于财富 [13, 17].

“Jiankang shengyu caifu.”

“Соғлик бойликдан муҳимдир.”

Ушбу гапда эса 健康 “jiankang” “соғлик” сўзи ўзининг бирламчи, яъни от вазифасида қўлланилган.

自由 “ziyou” “эркинлик” сўзи мисолида:

乌兹别克斯坦是个自由和独立的国家。

“Wuzibiekeshitan shi ge ziyou he dulide guojia.”

“Ўзбекистон эркин ва мустақил давлат.”

Мазкур гапда от сўз туркумига оид бўлган 自由 “ziyou” “эркинлик” сўзи сифат сифатида қўлланиб, “эркин” деб таржима қилинади.

他限制了我的自由 [15, 559]。

“Ta xianzhile wode ziyou.”

“У менинг эркимни чеклаб қўйди.”

Ушбу гапда эса 自由 “ziyou” “эркинлик” сўзи ўзининг бирламчи, яъни от вазифасида қўлланилган.

Айтиб ўтиш керакки, ҳозирги хитой тилида от сўз туркумига оид сўзлар орасида конверсиянинг адъективация кўринишига оид мисоллар вербализацияга қараганда кам учрайди.

Ҳозирги хитой тилида от сўз туркумига оид сўзлар равиш сифатида ҳам қўлланиши мумкин, яъни [от→равиш] шаклида. Масалан, от сўз туркумига оид бўлган 根本 genben сўзи “асос”, “манба”, “ўзак” деб таржима қилинади, бироқ равиш сифатида “тубдан”, “мутлақо” маъносига эга бўлади [14, 297]. Ҳозирги хитой тилида от сўз туркумига оид сўзлар орасида конверсиянинг адвербализация кўриниши вербализация ва адъективацияга қараганда қўлланиш доираси тор.

От сўз туркумига оид сўзлар конверсияга таянган ҳолда ҳисоб сўзлар сифатида ҳам қўлланиши мумкин, яъни [от→ҳисоб сўз] шаклида. Буларга мисол тариқасида куйидагилар таалуклидир: 杯 “bei” “стақан”, 笔 “bǐ” “ёзув қуроли”, 口 “kǒu” “оғиз”, “луқма”, 块 “kuài” “қисм”, “бўлак”, 门 “mén” “эшиқ”, 瓶 “píng” “шиша”, 声 “shēng” “товуш”, “овоз”, 头 “tóu” “бош”, 种 “zhǒng” “тур”, “хил”,

“нав”, 包 “bao” “ўрам”, 部 “bu” “қисм”, 类 “lei” “тур”, 名 “ming” “исм”, 排 “pai” “катор”, 身 “shen” “тана”, 台 “tai” “станция”, “аппарат” каби отлар шулар жумласидандир. Албатта конверсия натижасида ҳосил бўлган бу каби ҳисоб сўзлар ҳам фақат ўзига тегишли маълум гуруҳ от сўз туркумига оид сўзлар билангина бирга қўлланила олади ва қуйидаги конструкцияларга таянган ҳолда сўз бирликларини ҳосил бўлади: [ракам + ҳисоб сўз+от], [кўрсаткич олмоши + ҳисоб сўз+от] [2, 86].

Бундан ташқари ҳозирги хитой тилида баъзи сўзлар конверсия натижасида бир нечта сўз туркумига оид бўлади, масалан, от сўз туркумига оид бўлган 毒 “du” “заҳар” сўзи сифат ва феъл бўлиб ҳам қўлланади. Сифат вазифасида “баджаҳл” деб таржима қилинади:

这个家伙心真毒。

“Бу йигит жуда баджаҳл.”

Феъл вазифасида эса “заҳарламоқ” деган маънога эга.

用药毒老鼠 [14, 221].

“Дори билан сичқонни заҳарламоқ.”

Тадқиқот натижасида мазкур сўз равиш сифатида ҳам қўлланила олишига амин бўлдик. Масалан: 毒骂 “duma” – “қаттиқ ҳолда уруршиш”, 毒打 “duda” – “қаттиқ ҳолда уриш”. Демак, ҳозирги хитой тилида от сўз туркумига оид баъзи сўзлар конверсия натижасида [от→сифат→феъл→равиш] шаклига таянган ҳолда сифат, феъл, равиш бўлиб қўллана олади.

Мавзу таҳлили жараёнида ҳозирги хитой тили от сўз туркумига оид сўзларда конверсия ҳодисасининг қуйидаги бешта шакллари мавжуд деган хулосага келдик, булар: [от→ҳисоб сўз], [от→сифат], [от→равиш], [от→феъл], [от→сифат→феъл→равиш].

Конверсияни кенг тарқалган ҳодисалардан бири бўлишига қарамасдан, мазкур ҳодиса хитой тили грамматикасига, сўз ясалишига оид бўлган куплаб ўқув дарслик, қўлланма ва илмий асарларда тилга олинганлигига қарамасдан мазкур ҳодиса алоҳида ракурс сифатида кўриб чиқилмаган. Изланишларимиз

натижасида айтиш мумкин-ки, конверсия ҳозирги хитой тили лексикасини бойишига хизмат қилади ва алоҳида тадқиқ қилиниши лозим бўлган мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. G'aniyev, A. S., and A. V. Devyatkin. "ABU RAYKHAN BERUNI, A DICTIONARY SCIENTIST." *Open Access Repository* 10.8 (2024): 5-8.
2. Девяткин, А. В. "ОПЫТ КИТАЯ В КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВОМ РЕГУЛИРОВАНИИ." *республика илмий-амалий конференция*. 2021.
3. Хашимова, Сабохат Абдуллаевна. "ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИ СИФАТЛАРДА КОНВЕРСИЯ ҲОДИСАСИ." *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА* 3.2 (2020).
4. Omonov, Qudrat, et al. "THE STANDARDS OF FORMAL WRITING STYLE AND THEIR CHOOSING." *SPAST Abstracts* 2.02 (2023).
5. Хашимова, С. А. "Ҳрзирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия." *Т.: Ёш куч* 320 (2020).
6. Kamila, Gulamjanova, Rustamova Jamila, and S. A. Hashimova. "SEMANTIC MODELS FOR THE FORMATION OF VERBS FROM NOUNS BY CONVERSION IN ENGLISH." *Новости образования: исследование в XXI веке* 1.9 (2023): 705-710.
7. Khashimova, S. A. "Chinese grammar." (2012).
8. Nasirova, Saodat A. "POLITICAL INSTITUTIONALIZATION OF ANCIENT CHINA: HISTORICAL ANALYSIS OF THE TERMS OF THE LOCAL POLITICAL SYSTEM OF ANCIENT CHINA." *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.08 (2022): 51-56.
9. Nasirova, S. A. "Religious affairs management system in ancient China (linguistic analysis in Diachronic aspect)." *Builders Of The Future* 2.02 (2022): 288-297.

10. Насирова, Саодат Абдуллаевна. "СИСТЕМА ТИТУЛОВ В ДРЕВНЕМ КИТАЕ." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2.2 (2022): 93-98.
11. Валиева, Ноиба, and Саодат Насирова. "СТАНОВЛЕНИЕ ГОСТИНИЧНОГО ХОЗЯЙСТВА В КИТАЕ." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 3.2 (2023): 397-404.
12. Haydarovna, Rashidova Munavvar, and Namozova Dilnoza Berdimurotovna. "Teaching technical subjects through English." *Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: даврий анжуманлар* 10 (2022).
13. Намозова, Дилноза Бердимуротовна. "Peculiarities of phonetic competence development in conditions of artificial multilingualism." *инновации в педагогике и психологии* 4.1 (2021).
14. Rashidova, M. X. "INSTRUCTIONAL SCAFFOLDING TO IMPROVE LEARNING. Innovative Development in Educational Activities, 2 (7), 135–140." (2023).
15. Булычева, М. Ф. "ФУНКЦИОНАЛЬНАЯ РОЛЬ, СОДЕРЖАНИЕ И ХАРАКТЕР НАГЛЯДНЫХ СРЕДСТВ НА ЗАНЯТИЯХ ПО ЯЗЫКУ." *ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ* 54-4 (2024).
16. Булычева, М. Ф. "РАЗВИТИЕ НАВЫКОВ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ НАВЫКОВ ГОВОРЕНИЯ В РУССКОМ ЯЗЫКЕ." *ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ* 54-4 (2024).
17. Булычева, М. Ф. "ОДИН ИЗ ИНТЕРЕСНЫХ МЕТОДОВ В ПРЕПОДАВАНИИ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА." *ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ* 54-4 (2024).
18. Эгамбердиева, Г. М. "О хорезмских сказках, записанных АН Самойловичем." *Polish Journal of Science* 36-2 (2021): 52-54.
19. Эгамбердиева, Г. М. "Своеобразие концовки в сказках и дастанах." *Интернет-пространство как вызов научному сообществу XXI века* 1 (2021): 113-116.

20. Shirinova, N. "ORGANIZATION OF THE ENGLISH TEACHING PROCESS." *Irrigatsiya va Melioratsiya* 2 (2018): 61-64.
21. Shirinova, Nargiza. "USING GAMES IN TEACHING ENGLISH VOCABULARY FOR STUDENTS OF ENGINEERING." *Irrigatsiya va Melioratsiya* 3 (2018): 89-92.
22. Широнова, Н. Д. "Инглиз тили дарсларида академик лицей ўқувчиларининг билиш фаоллигини ошириш: Дисс.... пед. фанл. ном." (2006).
23. Дарвишова, Гулчехра Кенжабаевна. "По Педагогическом Мастерстве Учителя Иностранного Языка В Процессе Урока." *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture* 3.10 (2022): 122-125.
24. Kenjabayevna, Darvishova Gulchehra. "The issues of gender, equality and moral problems in the novel “jane eyre” by charlotte bronte." *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal* 12.5 (2022): 731-735.
25. Дарвишова, Гулчехра Кенжабаевна. "THE ISSUES OF WOMEN AND SOCIETY IN THE NOVELS OF CHARLOTTE BRONTE." *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА* 4.4 (2021).
26. Iskandarovna, K. G., and D. G. Kenjabayevna. "The means of image" woman" in the literary world of charlotte bronte." *Journal of Critical Reviews* 7.12 (2020): 136-139.
27. Kenjabayevna, Darvishova Gulchehra. "GRAMMATIK MATERIALLARNI TANLASHNING ROLI." *Лучшие интеллектуальные исследования* 15.1 (2024): 150-154.
28. Дарвишова, Гулчехра Кенжабаевна. "ШАРЛОТТА БРОНТЕНИНГ ЎЗИГА ХОС ИҚТИДОРИ." *Лучшие интеллектуальные исследования* 14.4 (2024): 193-196.
29. Kenjabayevna, Darvishova Gulchehra. "“JANE EYRE” ROMANIDA TASVIRLANGAN AXLOQIY MUAMMO, GENDER VA TENGLIK MASALALARI." *Journal of new century innovations* 44.2 (2024): 86-90.

30. Kenjabayevna, Darvishova Gulchehra. "A CREATIVE POWER OF CHARLOTTE BRONTE IN THE VICTORIAN ERA." *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ* 35.8 (2023): 117-120.
31. АТАЕВА, Рануша Рашидовна. "Словообразовательное гнездо как комплексная единица словообразовательной системы русского языка." *Иностранные языки в Узбекистане* 1 (2019): 33-45.
32. Атаева, Рануша Рашидовна. "СОВРЕМЕННЫЕ КОНЦЕПЦИИ ЛИНГВИСТИЧЕСКОГО ГНЕЗДА." *Ответственный редактор* (2022): 34.
33. Атаева, Р. Р. "ТИПЫ ЯЗЫКОВЫХ ЕДИНИЦ, ПРЕДСТАВЛЯЮЩИХ В ТЕКСТЕ РОМАНА АС ПУШКИНА «ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН» СРЕДСТВА ЛЮБОВНОГО ЛЕКСИКОНА." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2.Special Issue 26 (2022): 642-646.
34. Mengliyeva, S. S. "SOHAVIY TERMINLARNING LISONIY XUSUSIYATLARI." *Innovative Development in Educational Activities* 2.19 (2023): 293-300.
35. Mengliyeva, S. S. "THE PURPOSE OF TEACHING A FOREIGN LANGUAGE IN NON-SPECIALIZED HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS." *ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ* 54-4 (2024).